



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING F A R M O Y I SH I

2022 йил «12» январь

9-14-0-F/22

Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Маблағ ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 30 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф-4-сонли фармойиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 30 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш бўйича” 235-сонли йиғилиш баёни ижросини таъминлаш, шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий масалалар бўйича ўринбосари мажмуасининг мурожаатини инобатга олиб,

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 30 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлаш харажатлари учун маҳаллий бюджетнинг захира жамғармаси ҳисобидан 622,0 млн (олти юз йигирма икки миллион) сўм маблағ Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармасига ажратилсин.

2. Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси (Л.Исматуллаев):

2022 йил Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартириш киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент шаҳри бўйича Ғазначилик бошқармаси (М.Зарипов):

ажратилган маблағни ўрнатилган тартибда молиялаштирилиши таъминлансин.

4. Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси (Б.Касимов):


ажратилган маблағларни ўрнатилган тартибда ва мақсадли сарфланиши таъминлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент шаҳридаги Давлат молиявий нazorати бошқармаси (Ш.Яриев):

ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши назорат қилинсин.

6. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Д.Рахимова зиммасига юклатилсин.

Toshkent shahar hokimi



ARTIKXODJAYEV J. A.